

АҚШ мусулмонларга қилинган таъқиқни бекор қилди



10:36 / 22.01.2021 3146

АҚШнинг янги сайланган президенти Жо Байден лавозимдаги ишини бошлаши билан, эндиликда собиқ президент, Дональд Трамп томонидан имзоланган 15га яқин қарорларни бекор қилди. Бу ҳақда uzreport.news манбаси хабар берди.

Байден чоршанба оқшомида ўзининг янги офисида тезроқ ҳаракат қилиш лозимлигини, кутиб ўтиришга вақт йўқлигини таъкидлаб ўтган.

«Бугун имзо чекадиган қарорларим пандемияга, иқлим ўзгаришига қарши курашга, ирқий тенгликни таъминлашга қаратилган», дейди Байден.

Байден, биринчи навбатда, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотига қайтишни, Париж иқлим келишувига қайта аъзо бўлишни ўз олдига мақсад қилган.

Асосий қарорлардан бири иммиграция масалаларига қаратилган эди. Жумладан, Байден баъзи Мусулмон давлатларга қарши тадбиқ қилинган таъқиқни бекор қилди. Ушбу давлатлар қаторида қўшни Қирғизистон ҳам бор эди.

Манба: uzreport.news